

НОШИР ЛЮКС  
МАЖБУРИЙ НУСХА



Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**  
Ҳурматни  
кутишдан аввал  
унга муносиб  
эканингиз  
ҳақида ҳам  
уйлаб кўринг

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshon@umail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни  
телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 8-fevral, shanba, 17 (23.297)-son

## Ҳамма мурожаатчи эшитилди

Самарқанд шаҳридаги Боғишамол саноат касб-ҳунар коллежидан эрталаб соат 8:00 да бошланган вилоят ҳокимининг аҳоли учун ўтказган сайёр қабули 16:00 гача давом этди. Унда 520 нафар фуқаронинг муаммо ва тақлифлари тингланди. Вилоят ҳокими томонидан ҳар бир мурожаат алоҳида эътиборга олиниб, уларнинг ечимини топиш бўйича мутасаддиларга зарур топшириқлар берилди.

## Сайёр қабул

лаштиришга қўмаклашиш учун топшириқ берди. Биринчи навбатда, вилоятдаги ихтисослашган давлат умумтаълим мактаблари учун 50 та доскага бюртма берилишини таъкидлади.

### “СНОС”ГА ТУШГАН ИМОРАТ УЧУН 75,5 МИЛЛИОН СЎМ ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ

Самарқанд шаҳри Расадхона маҳалласида яшовчи Турғун Ғофуров уйининг бир қисми давлат ва жамият эҳтиёжлари учун бузилганига қарий бир йил бўлган. Аммо унга “снос” қилинган иморати учун баҳоланган 75 миллион 500 минг сўм ҳалигача тўлаб берилмаган.

Ушбу муаммо бўйича вилоят ҳокимига мурожаат қилдим, - дейди Т.Ғофуров. - Ҳоким вилоят молия бош бошқармаси мутасаддиларига бир ҳафта ичида ваъда қилинган маблағни тўлаб бериш юзасидан топшириқ берди.

### САККИЗ СОАТЛИК САЙЁР ҚАБУЛДАН СЎНГ

Аҳоли учун ўтказилган сайёр қабул якунига етгач, вилоят ҳокими Президентимизнинг яқинда қабул қилинган фармонида кўра, афв этилиб, жазони ўташ жойларидан қайтган 9 нафар самарқандлик фуқаронинг ҳам муаммоларини тинглади.

Вилоят ҳокими уларнинг саломатликларини тиклаш, яшаб турган уй-жойларини таъмирлашга қўмаклашиш, бандлигини таъминлаш ва бошқа шу каби муаммоларига ечим топиш учун мутасаддиларга топшириқлар берди.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

### ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ҲАЙКАЛТАРОШ УСТАХОНАСИГА БОРАДИ

Сартепа масканида яшовчи ҳайкалтарош Тўлаған Ёркулов ёшлигидан ҳайкалтарошлик билан шугулланади. Ҳайкалтарош кўпгина халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, миллийлигимизни акс эттирган хунармандчилик маҳсулотлари билан хорижлик мутахассисларнинг эътиборига тушган. Шу боис унинг ноёб асарлари, асосан, Европа мамлакатлари галереяларидан жой олган. Аммо Самарқандда унинг ижодига эътибор кам.

У сайёр қабулда вилоят ҳокимига шу масалада мурожаат қилди.

Болалигим Нуробод туманининг Жом қишлоғида ўтган, - дейди Т.Ёркулов. - Эсимни таниганимдан оқ қумли тупроқдан ҳайкалчалар ясашга ҳаракат қилганман. Уша пайтдаги қизиқларим уста ҳайкалтарош бўлишимга асос бўлган. Ясаган ҳайкалларим Самарқандда ҳам жойлаштирилса, дейман. Қандай ҳайкал бюртма қилинса, ясашга имкониятим бор. Уйимда устахона

ташкил қилганман, ўнлаб шогирдлар тайёрлапман.

Вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов ҳайкалтарошнинг устахонасига бориб, ижод намуналари билан танишишни, билдирган тақлифлари бўйича унга имконият яратишга қўмаклашишни айтди.

### УНИВЕРСАЛ ҲАҚУВ ДОСКАСИ

Сайёр қабулга нафақат шаҳар аҳолиси, балки вилоятнинг чекка ҳудудларидан ҳам мурожаатчилар келди.

- Олий тоифали математика фани ўқитувчиси, - дейди кўшрабтлик Қобил Мусаев. - Ўқувчилар учун “Универсал ҳақув доска” яратганман. Республика миқёсида ўтказилган бир неча танлов ва кўргазмаларда иштирок этиб, юқори натижаларга эришдим. 2008 йилгача 200 га яқин шундай доскалар мактабларда оммалаштирилди. Кейинги пайтларда бунга эътибор сусайди.

Ҳоким ҳақуви ҳақидаги маълумотларни диққат билан тинглади ва мутасаддиларга уни республика мактабларида омма-

## Афв этилганларнинг 9 нафари самарқандлик

Кимдир турмуш йўлларида учраган тўсиқни ирода ва қатъият билан енгиб ўтса, кимдир энгилроқ йўл ахтаради. Шунинг учун гоҳида “хом сут эмган банд-я...”, деб қўямиз. Яъни, ҳаётда ҳамма ҳам адашиши, қоқилиши мумкин. Адашгани сен ёмонсан, дея юзига қора чаплаб жамиятдан айириб қўйиш билан иш битмайди.

Айнан шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Озоликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонни имзолади.

Мазкур фармонга кўра, билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган 58 нафар фуқаро Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан афв этилди. Улар орасида 9 нафар самарқандликлар ҳам бор.

Уч нафар уругтлик, Самарқанд ва Каттақўрғон туманларидан икки нафардан, Самарқанд шаҳри ва Булунгур туманидан бир нафардан собиқ маҳкумлар давлатимиз раҳбарининг фармонида асосан жазони ижро этиш муассасаларидан оқибат бағрига қайтди, - дейди вилоят ИИБ пробақция хизмати катта инспектори Нодир Каримов. - Афв этилганлардан етти нафари асосий жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган. Икки нафаридан асосий жазосининг ўталмаган қисми иш ҳақининг йигирма фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузастиш ишлари билан алмаштирилди.

Уларга тегишли тартибда тиббий кўриқдан ўтиши, ишга жойлаштириш учун йўлланмалар берилди.

Бундан ташқари, ижтимоий муҳитга мослашиши, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун маҳаллалардаги кайвонилар, тадбиркор ва бошқа шахслардан мурабийлар бириктирилди.

Афв этилган фуқароларга амалдаги тартиб асосида моддий ёрдам берилди.

Ё.ҒАДОЕВ.

## Туннел қурилиши НЕГА сусайди?

Объект вақтида фойдаланишга топшириладими?

Самарқанд шаҳрида 2022 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммити ўтказилиши кўзда тутилган. Бу нуфузли тадбирга тайёргарлик кўриш мақсадида Самарқанд шаҳрида бунёдкорлик, ободонлаштириш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини реконструкция ва модернизациялаш ишлари олиб борилмоқда.

Борилаётган ҳудудда оқова, табиий газ, ичимлик суви ҳамда бошқа коммуникация тизимларининг ўз вақтида кўчирилмаганлиги сабаб бўлди. Ҳозирда вилоят «Сувоқова» ДУКга қарашли корхоналар томонидан каналзация тизимлари хавфсиз ҳудудга кўчирилиб, қовлаб олинган

Жумладан, шаҳарнинг Бўстонсарой ва Рўдакий кўчалари кесиммасида 534 метр узунликдаги транспорт туннели қурилмоқда. Аммо сўнгги бир ой ичида қурилиш ишлари белгиланган режадан ортада қолаётганлиги кузатилади. Бу ҳолатни мутасаддилар об-ҳавонинг ноқулайлиги билан изоҳлади.



Кечадан бошлаб мазкур объектда ишлар жонланиб қолди. Бош пудратчи «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятининг «Кўприк қурилиш трест» унитар корхонасига қарашли «Мостоотряд-1» ҳамда «Кўприк қурилиш – бутлаш» корхоналарининг 70 нафар ишчи ва 20 та замонавий техникалари томонидан қовлаш ва қазил ишлари давом эттирилмоқда.

каларимизни ишлатиш имкони бўлмади, - дейди «Кўприк қурилиш трест» дирекцияси муҳандис-техник кузатувчиси Азим Бекмирзаев. - Бунга қазил ишлари олиб

эски қувурлар объектдан ташиб кетилмоқда. Қўлай об-ҳаводан фойдаланиб, биринчи босқич ишларини тез кунларда якунлаймиз.



Айни пайтда «Мостоотряд-1» корхонаси томонидан Россиядан бетон қуйиш ва преслаш ускуналари, шунингдек, Тошкент шаҳридан туннел қурилиши учун зарур бўлган асбоб-ускуналар калтирилмоқда.

Вилоят «Сувоқова» ДУКга қарашли «ПМК-149» корхонаси туннел қазилаётган ҳудуддан эски коммуникация тизимларини ташиб кетмоқда. Аммо техника етишмаслиги туфайли ишлар ўз вақтида амалга оширилмаяпти.

- Тўғри, жадалдан бироз орқанда қолчипмиз, - дейди «ПМК-149» корхонаси иш бошқарувчиси Шухрат Йўлдошев. - Чўнки

объект атрофида бир қатор ижтимоий соҳа муассасалари жойлашган. Шу сабабли уларни боғлаб турган тармоқларни хавфсиз жойга кўчириб сўнгра асосий тармоқни узишга тўғри келди. Ҳозиргача 450 метр узунликда каналзация қувурлари ётқизилиб, 550 метр ичимлик суви тармоғи тортилди.

Ҳали олдинда жуда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш лозим. Бу кетишда туннел ўз вақтида битмаслиги ҳам мумкин.

Дилмурод ТЎХТАЕВ,  
Хусан ЭЛТОВЕВ  
(фото).

**2020**  
**МУРОЖААТНОМА**  
Тадбиркорлик субъекти аъзоларига "жиной уюшма" деган айблов қўйиш, уларга оғир жазо тайинлаш тартиблари бекор қилинади.

- Кўнгил ҳазинасининг қулфи - тил; у ҳазинанинг қалитини - сўз бил.
- Чин сўз - мўътабар; яхши сўз - мухтасар. Кўп сўзловчи - зериктирувчи; қайта-қайта гапирувчи - ақлдан озган. Айб изловчи - айбни; киши айбини гапирувчи - ўзига ёмонлик соғинувчи. Тўғрилик билан қаровчи - покиза назарли; кишиларнинг яхши томонларини кўрувчи - тўғри назарли.
- Ёлғон сўз шеърдан бошқа ерда номақбул ва ёлгонни айтувчи ақлсиздир.

## Сенаторлар уругтлик ёшлар билан учрашди

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев ҳамда Сенат аъзолари Фарҳод Боқиев ва Фармон Тошев Уругт агротадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежидан тумандаги Сўфи, Уроқбойжар, Қайроқли ва Жартепа қишлоқларида яшовчи ёшлар билан учрашди.

Тадбир аввалида Б.Сайфуллаев ёшларга парламент юқори палатаси, унинг тузилмалари фаолияти, ёшларни санъат, маданият, спорт ва тадбиркорликка жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган имкониятлар ҳақида сўзлаб берди.

Шундан сўнг сенаторлар уругтлик ёшларнинг Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус асосида китобхонлик, санъат, спорт ва ёшларни иш билан таъминлаш билан боғлиқ кўргазмали чиқишлари билан танишди. Ижодкор, изланувчан, тадбиркор, ғайратли ёшлар билан мулоқотлар жонли кечди. Ёшларнинг орау-мақсадлари билан қизиқиб, тақлиф ва мулоҳазаларини эшитди. Улар Сенат аъзоларига ўзларини қизиқтирган масала ва уйлантираётган муаммоларини очик-ойдин билдиришди. Ўз навбатида, сенаторлар бандлик, ёшларнинг илмий фаолиятини изчил давом эттириш, шунингдек, таълим сифатини яхшилашга эътибор қаратиш, имтиёзли банк хизматларидан фойдаланиш каби масалаларни атрофлича муҳокама қилди.

- Корхонамизда 55 нафар ёшлар ишлайди, эркаклар кийими ишлаб чиқариш билан шугулланамиз, - дейди тумандаги "Urgut sanoat servis" оилавий корхонаси раҳбари Маждихон Исмолов. - Бугунги тадбир келгусида корхонани кенгайтириш, Самарқанд шаҳри ва қўшни туманларда ҳам унинг филиалларини очиб ва маҳсулотларимиз сотувини кенг йўлга қўйиш учун аҳамиятли бўлди. Сенат қўмитаси раиси бу ҳаракатимни қўллаб-қувватлашини, бундай эзгу ҳаракатлар учун нафақат менга, балки тадбиркор тенгдошларимга "Ёшлар - кўлажамиз" давлат дастури асосида кам фойзли кредит ажратилишида қўмак беришини билдирди.

Акрам БҮРИЕВ.

БУГУННИНГ ГАПИ

Ҳокимларнинг 113 та қарори

прокурорлар протести билан бекор қилинди

Вилоятимиздаги фермер хўжаликлари ва кластерлар томонидан 2019 йил 330 645 тонна бошоқли дон, 178 087 тонна пахта хомашёси етиштирилди. Мева-сабзаёт ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган йилларга нисбатан анча ошди.

Бундан ташқари, 1099 гектар ерда янги тоқорлар барпо этиш ва уларда сув тежайдиган ускуналар жорий қилиш учун қайтармаслик шарти билан ташаббусларга 7,3 миллиард сўм маблағ ажратилди. Қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги бу каби имтиёз ва преференциалардан фойдаланиб, рўзгорини обод қилаётганлар билан бирга ерни ноқонуний эгаллаб, сотиб бошқалар ҳисобидан бойлик орттириш истагида бўлганлар ҳам учраб турибди.

ИМИ-ЖИМИДА ПУЛЛАДИМ, ДЕГАНЛАР ҚАТТИҚ ЯНГЛИШИШДИ

Президентимизнинг 2019 йил 17 июндаги «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармониغا асосан жойларда мавжуд экин майдонлари хатловдан ўтказилди.

Бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, прокуратура, ер ресурслари ва давлат кадастри, агроинспекция ходимлари, маҳалла раислари, профилактика инспекторлари ва бошқа таълуқли идоралар, шунингдек, жамоатчилик вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар тузилган.

Хатлов жаравида айрим худудларда ердан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари ҳисоботларда акс эттирилган кўрсаткичлардан бир мунча ортиқлиги, асосийси, яқин даврларда экин майдонлари айрим фуқаролар томонидан эгаллаб олинди, ноқонуний қурилиш қилинаётгани кутилди.

Жумладан, вилоят бўйича 2482 ҳолатда сўғориладиган 436,3 гектар экин майдонида ўзбошимчилик билан тураржой қуриб олинганлиги аниқланди. Шунингдек, 199 та ҳолатда 240,8 гектар ердан ўз билганича фойдаланиб келинган, 199 ҳолатда эса 1056 гектар ер ноқонуний ажратилган.

ҚОНУБУЗИЛИШ ҲОЛАТЛАРИГА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ?

Ўтказилган текширувлар домида ўзбошимчилик билан

эгалланган 216,9 гектар ер майдонларини бўшатиш ва ноқонуний қурилишларни буздириш тўғрисида судларга 1549 та даъво аризалари киритилди. Шунингдек, ўзбошимчилик билан эгалланган 10,6 гектар ер ҳокимликлар захирасига қайтарилди.

Туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан 570,8 гектар ер ажратиш тўғрисидаги 113 та ноқонуний қарорлар прокурорларнинг протестлари ва тақдимномалари билан бекор қилиниб, қонуни устуворлиги амалда таъминланди.

Хуқуқбузарларга нисбатан ўнлаб ҳолатларда маъмурий қamoқ ва жаримага тортиш чоралари қўлланилди. Хуқуқбузарликлар келиб чиқишига йўл қўйган ва беvosита ерларнинг ноқонуний эгалланишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан 18 та жиноят иши кўзгатирилди. Тергов жаравида ҳосилдор ерларни ишдан чиқарган шахслардан 636,3 миллион сўм зарарлар ундирилди.

ХУЛОСА ҚИЛИШГА ВАҚТ БОР

Қайд этиш лозимки, бугунги кунда ердан фойдаланиш аҳолини аэрокосмик таъсирга олиш тизими жорий қилинган, ушбу кузатув тизими уй-жой қуришга ер участкаси ажратишда ҳам қўлланилмоқда.

Бундан ташқари, 2019 йилда Жиноят кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида ерларни ноқонуний эгаллаш ҳолатлари бўйича жавобгарлик чоралари кучайтирилди.

Бу ўзгаришлар доирасида ерни ихтиёрий қайтарган ва унинг оқибатларини бартараф этган шахсларга, агарда улар томонидан хуқуқбузарлик оқибатларини бартараф қилиш учун фооллик кўрсатилганда, жавобгарликдан озод қилиш тартиби жорий қилинган.

Улугбек ҲАМДАМОВ, вилоят прокурорининг ўринбосари.

Ахборот хизматлари фаолиятини бошлаганда журналистлар энгил нафас олганди. Ана энди ишимиз осонлашади, маълумот олиш қийин бўлмайди, дегандик. Маълумот олиш энгиллашмади-ю, аммо мақолага, танқидга муносабат тезлашди. Буни кўпчилик таъкидлаётир. Айни пайтда вилоятимиздаги 16 туман ва шаҳар ҳокимликларида, 35 та давлат ва хўжалик бошқарув органларида ахборот хизматлари фаолият кўрсатмоқда. Бошқа ташкилотларда ахборот хизмати фаолиятини йўлга қўйиш нега қийин кечмоқда? Умуман, ахборот хизматлари бугун ўз вазифасини қай даражада уदдаламоқда? Журналистлар ахборот хизмати фаолиятдан нечоғлик рози? Қуйида шу масалаларга тўхталиб ўтаемиз.

Ахборот хизматлари: Ташкилот “юзи” бўлиш осонми?

Мақола аввалида бир масалага аниқлик киритиб олишни истардим. Сабаби, ақсар журналистлар ҳам ахборот хизматларидан ўзларига лозим бўлган ахборотни олиш қийин кечаётганини айтишди. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан белгиланган ахборот хизматлари вазифа ва функцияларида журналистлар сўраган маълумотни ахборот хизмати тақдим этиши лозим, деган тушунчанинг ўзи йўқ. Турли бошқарма, ҳокимликларнинг масъулиятига маълумот сўраб мурожаат қилинганда ахборот хизматимизга учрашинг, деб ўзига тегишли бўлган савол жавобидан қочиш ҳам ўз навбатида нотўғри. Қарорда ахборот хизматларининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилган.

АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ БОР. АММО ШАРОИТ ЙЎҚ

Ахборот хизмати ташкил қилинишидан аввало, ўша ташкилот, бошқарма маънафаддор, - дейди вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси мутахассиси Роҳила Очилова. - Афсуски, баъзи ташкилотларда матбуот хизматини ташкил қилишда раҳбарларнинг ўзлари сусткашлик қилмоқда. Бугун ҳар лаҳзада қайси соҳада бўлишидан қатъи назар ахборот оқимининг тезкорлик билан тарқалиши бундай маълумотларга ўз вақтида муносабат билдириш ва ташкилот обрўининг бир лаҳзада яқсон бўлишининг олдини олишда ҳам профессионал ахборот хизмати фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ахборот хизматлари ходимларининг профессионал фаолият олиб боришлари учун улар иштирокида доимий равишда семинарлар ўтказиб борилмоқда. Шунингдек, ўтган йилнинг сўнгги ойида 53 та давлат орган ва ташкилотлари ахборот хизматлари раҳбарлари аттестацияда иштирок этди. Вилоят ташкилотларининг 2 нафар матбуот котиби аттестациядан ўтказилмади.

Ахборот хизмати расмий веб-сайтлари ва бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан, матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равишда ахборот тақдим этиб бориши, бу борада чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириши лозим. Ўзи фаолият

юритаётган ташкилотнинг ижобий имижини шакллантириш ва илгартириш, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларида жамоатчилик фикрини ўрганиш каби бир талай вазифалар ҳам ахборот хизмати зиммасида. Камига танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириши, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиши керак бўлади.

Бир кишининг бу ишларни амалга ошириши осон кечмайди. Бунинг устига ахборот хизмати ходими белгиланган тартибда маош ва устама олмаса, замонавий моддий-техника воситалари билан таъминланмаса, қоқори телгиқдаги Интернетдан фойдаланиш имкониятига эга бўлмаса, қандай қилиб ўзи фаолият юритаётган ҳокимлик ёки ташкилотнинг имижини ярата олади? Афсуски, бугун вилоятимиздаги барча туман ва шаҳар ҳокимликларида ахборот хизмати фаолияти йўлга қўйилган бўлса-да, шарт-шароит яратиш ва ойллик маош белгилаш борасида муаммо ва камчиликлар мавжуд. Жомбой, Қўшработ, Самарқанд, Иштихон туманларида ахборот хизматлари учун етарли шарт-шароит яратилмаган.

Қўшработ, Булунғур туманлари, Каттакўрғон шаҳри ҳокимликлари ахборот хизмати ўткир ва ҳаққоний чиқишлари, асосли муносабатлари билан танилиб улгурган.

ТАНҚИДНИ “КЎТАРОЛМАЙДИГАНЛАР”

Ахборот хизматлари ташкил этилишининг ижобий томонларини ҳис қилиб турибмиз, - дейди Kup.uz ахборот сайти муҳбири Анвар Мустафоқулов. - Аввало, соҳалар бўйича маълумот олиш анча энгиллашган. Аммо масаланинг иккинчи томони, ахборот хизматлари ходимларининг баъзилари журналистикадан беҳабар бўлгани учунми ёки ўзи ишлаётган ташкилотнинг босими остида, оммавий ахборот воситаларида берилётган танқидий мақолаларга муносабат билдиришда непрофессионал ёндашмоқда. Мақолада қаҳрамон ёки тегишли ташкилот мутасаддисини нуктаи назарини журналист фикри деб ҳисоблаб, муҳбир билан ўчиқашётган ахборот хизматлари ҳам афсуски бор. Нафақат икки, баъзида уч томонлама ўрганилган фактлар билан ёритилган мақолани ҳам “масалага бир томонлама, ноҳолис ёндашилган”,

Zarnews.uz сайтида шу йилнинг январь ойида «Ҳокимлик, бошқарма ва ташкилотларда фаолият юритаётган ахборот хизматлари фаолияти сизни қониқтиряптими?» деган савол билан ўқувчиларга мурожаат қилгандик.

СЎРОВНОМАДА

46 фоиз иштирокчи «Ҳа, анча жонланган, маълумотлар, ахборотлар ўз вақтида берилмапти»; 32 фоизи «Ахборот хизматлари ташкил қилинган, аммо ҳозирча ўз фаолиятини етарли даражада олиб бормаяпти»; 22 фоизи «Фаолияти қониқарсиз, деб ҳисоблайман» деган жавобни танлади. Сўровда 3854 киши иштирок этди.

Долзарб мавзу



дея ҳулоса бераётган ахборот хизматлари ходимлари мақоладаги муаммони ҳал этиш учун эмас, балки журналист материалдан камчилик излашга ҳаракат қилмоқда. Улар учун доимий семинарлар ўтказиб бориш, вазифасини тўғри тушунтириш орқали масалага ечим топиш мумкин, деб уйлайман.

БИЗ АДВОКАТ ЭМАСМИЗ

Ҳақиқатан ҳам баъзи ахборот хизматлари ходимлари зўр бериб ўзи меҳнат қилаётган ташкилотни ҳимоя қилишга ва аниқ фактларга таянган мақолани тан олмасликка интилади, - дейди Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ахборот хизмати раҳбари Гулчехра Бердиева. - Айнан мен меҳнат қилаётган олийгоҳда бу масалага қандай ёндашилмоқда? Бу саволга жавоб бериш учун аниқ мисолларим бор. Ушбу институт бўйича ҳам ўтган йил давомида бир неча танқидий чиқишлар бўлди. Уларнинг барчасидан хабардор эдик ва тегишли мутасаддилар томонидан бу ҳолат ўрганилган эди. Бу масалада ким ҳақ, кимдир ноҳақ демоқчи эмасман. Сабаби, ахборот хизмати ходимлари адвокат эмас. Мавжуд муаммога ҳолис ёндашиб, уни тегишли ОАВда эълон қилишга ҳаракат қилдик.

Шу ўринда таъкидлашни истардимки, ахборот хизматлари ходимлари ўзи ишлаётган ташкилот фаолияти билан боғлиқ янгиликларни нафақат расмий сайтида, балки ижтимоий тармоқларда, оммавий ахборот воситаларида ҳам тарқатиши мақсадга мувофиқ. Табиийки, ахборот учта манба учун уч хил тарзда ёзилиши керак. Шунинг учун ҳам ахборот хизматлари ходимлари журналист мутахассислигига эга бўлиши лозимлиги қарорда ҳам келтирилган.

Ҳа, соҳада мақсадга мувофиқ бўладиган мейёрлар, талаблар кўп. Аммо кадр танқислиги ҳам бор гап. ОАВнинг ўзи журналист кадрларга эҳтиёж сезаётган бир пайтда ҳам журналистикани, ҳам ўша соҳани илғаб оладиган мутахассис топиш муаммо. Шунинг учун бўлса керак, ҳали вилоятдаги 50 дан ортиқ ташкилот ва корхоналарда ахборот хизматидаги ходим қидирилмоқда.

Аммо излаган имкон-топиш аниқ бўлганидек, бу соҳада эътироф этулик жиҳатлар ҳам бор. Мисол учун, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ўз тизимидаги 45 та бўлим ва йирик тиббиёт муассасаларида ахборот хизматлари ташкил этгани таҳсинга сазовор. Аммо шунга қарамай, тиббиёт соҳасидаги ахборотлар вилоят оммавий ахборот воситаларида кўп эмас.

Умуман олганда, ҳокимлик бўладими ёки бошқарма, корхоналардаги ахборот хизматини, ўз ташкилотиди, ҳеч бўлмаса, ижобий ишларни, фаолиятни ўз вақтида аҳолига етказиб бериш эмас экан, у ўз вазифасини тўлақонли бажаряпти, деб айтолмаймиз. Ахборотга тўла ҳозирги маконда эса ижобий ишларни шунчаки баён қилиб ахборот сифатида узатаман, деб уйлаган ахборот хизматлари адашади. Маҳорат, соҳага креатив ёндашув, сўзинг, тасвир ва бошқа узатувларнинг бугунги талабларидан хабардорлик энг муҳим талабдир.

Гулруҳ МУМИНОВА.

15 февраль – Собиқ совет қўшинлари Афғонистондан олиб чиқилган кун

Қиёматга қолган дийдор

ёхуд байналмилалчи жангчи ҳаётдан лавҳалар

Илҳомжон Ваҳобов Афғонистонда кечган мақсадсиз уруш иштирокчиси. У ерда юз берган турли ҳолатларга, жон олиб, жон беришга гувоҳ бўлган. Шўқрики, у она диёрига соғ-саломат қайтган. Шу бовис, ҳам байналмилал жангчи бугунги тинч, осуда ҳаётни қадрлайди, яратганга шўқроналар келтиради.

интилишларига йўл очди. Илҳомжон Ваҳобовни нуфузли идора вакиллари Беларус Республикасининг Минск шаҳрига махсус мактабга ўқишга таклиф этишди. Билимга ташна, билағида кучи, юрағида ажал билан тўқнаш келганлигини ўзини кўрсатди ва раҳбариятнинг эътиборига тушди. Қисқа муддатли ўқишдан сўнг уни уруш олови лувуллаб турган Афғонистонга сафарбар этишди.

У Тошкентдан Қобулга учар экан уруш нима эканлигини ҳали тасаввурига сиғдира олмасди. Аммо у ердаги воқеалардан хабардор эди. Йўлда бир муддат тўхтаб ўтишга тўғри келади. Аэропорт ҳудудида жойлашган энгилгина қурилган уйлاردан бирига уч нафар зобит жойлашади. Кечки пайт даҳшатли портлаш юз беради. Илҳомжон зарбнинг кучидан қараоти билан ерга ағдарилади. У билан ёнма-ён ётган икки зобит кўз очиб юмгунча ҳаёт билан видолашган эди. Ундан кейинги ҳар қадамда ажал билан тўқнаш келганлигини сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Қобулдан бошқа давлат сарҳадларига боришда ўқ остида учган оддий самолётда парашютиз кетгани, Афғонистоннинг бир қатор шаҳарларида ўлим билан юзма-юз келганлигини ёзишга қалам ожиз. Ҳарбий амалиёт олдидан унга радиотелеграмма ни тутқазишганида у ўзини тутолмайди. Бағромда уқаси Бахтиёржон шахид бўлганди. Не-не азоблар билан Илҳомжон Бағромга етиб келганида «Груз-200» рақами билан белгиланган даҳшатли «юк» Самарқандга жўнатилган экан. Таъзиянинг учинчи куниде етиб келган Илҳомжон ота-ониси, қариндош-уруғларининг нидоларидан бағри эзилади ва дийдор қиёматга қолганидан



И.Ваҳобов (ўнгдан биринчи) Афғонистонда сафдошлари билан, 1980 йиллар ўрталари.

ерни тарқ этди. Чегарадан ўтар экан, заминимизни ўпиб, кўзига тўтиб қилди. Бу кунларга етганига шўқрона келтирди. Самарасиз, мақсадсиз уруш нималарга олиб келганлигини ўз кўзи билан кўрди, унинг иштирокчисига айланганлигини бот-бот эслайди.

Илҳомжон Ваҳобов нафақага чиққан турли вазифаларда, жумладан ижтимоий таъминот тизимида фаолият кўрсатди. Тўрт нафар фарзандини тарбиялаб вояга етказди. Ҳозир у қўллаб набирларнинг суоқли бобожони, оиласи, маҳалладошлари ардоғида. Қаҳрамонимиз 60 ёшни қаршиламоқда. Бу уни қутлаб соғлиқ-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

Зохир ҲАСАНЗОДА.



Илҳомжон Ваҳобов (чапда) қуролдош ўсти Умар Исеев билан

Ватан ҳимоячилари кунни арафасида Самарқанд шаҳридаги Кўксарой майдонида ташкил этилган жанговар техникалар кўриғида набиралари билан қатнашар экан унинг қалбига Ватанга бўлган меҳр, шонли армиямизга ишонч туйғуси жўш урди. Хавфлар уни олис-олисларга олиб кетди. Илҳомжон Ваҳобов Самарқанд тумани Талибарзу маҳалласидаги 41-ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ спортга меҳр қўйди. Турли мусобақаларда қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади. Етуқлик аттестатини қўлига олган, Тошкент юридик институтига ҳужжат топширди. Бали етмаганлиги боис пойтахтдан қайтиб «Наврўз» муқобил машина-трактор паркида ишлаб, деҳқончилик билан шуғулланди ва икки йилдан сўнг Самарқанд давлат университетининг рус филологияси факультетига ўқишга кирди. Дастлабки меҳнат фаолиятини маҳалласидаги 27-ўрта мактабда ўқитувчилардан

ХОТИРА УЙФОНСА ГЎЗАЛДИР

Эл олқишига сазовор бўлганди



Ўтган асрнинг қирқинчи йилларида Фориш тумани Самарқанд вилоятига қарашли эди. Амман Чўрошга келин бўлиб тушгани боис, биз ҳам шу ерга кўчиб келган эдик.

Тут пишиғи пайтида уруш йилларида туғилган болалар қорин тўйғазиш учун тутлар тагидан чиқмасди. Раҳматни шу ерда - тут териб еб юрган пайтда учратганман. Ҳанда биз 8-9 ёшли бола эдик. Раҳматнинг отаси Шодмон бобо ҳам кўп қатори урушга кетган ва 1943 йилда бедарак йўқолган. Онаси Мунаввархон рўзгор ташвишларини енгиш, икки ёшли Раҳматни отасиз қолдирмаслик мақсадида қайта турмушга чиқиб, учта ўғил фарзанд кўрган. Демакки, қаттол урушдан кейин барча хонадонлардаги ахвол бирдек бўлган: кўрпа бошга тортилса оёққа, оёққа тортилса бошга етмаган паллалар эди-да. Шундай кунлар бўлдики, баъзида тарик унидан ёпилган бир парча зогора нонга зор бўлганмиз. Ҳа оғир дамлар эҳтимол бизларни дўстлашишга, бардам бўлишга ундагандир. У

кўча болалари орасида тетиғи ва дангали эди. Уруш ҳаммани чарчатиб қўйган, бироқ эртанги кунга ишонч бор эди ҳаммамизда. Раҳмат ҳам орзуларини рўёбга чиқариш учун ўқиш зарурлигини ҳаммадан кўра кўпроқ ҳис этарди. Шу боис, у биздан-да анча илгарилаб кетди. Ўқиди, ўқиганда ҳам яхши ўқиди. Ёш бўлишига қарамай жамоа ҳўжалигида ишлаб онасининг ёнига кирди. Бироз вақт ўтгач, Самарқанддаги ҳисобчилар тайёрлаш курсини битириб, «Чўраш» ҳўжалигида ердამчи ҳисобчи сифатида касбини пухта

эгаллашга ҳаракат қилди. Натижада 1969-1982 йилларда маъзур ҳўжаликнинг бош ҳисобчиси вазифасида фаолият кўрсатди. 1975 йилда Тошкент халқ ҳўжалиги институтини сиртдан битиргач, ҳўжаликда ҳисоб-китоб ишларини изчил йўлга қўйди ва иқтисодиётга наф келтирадиган тамойилларни излаб топди. Муҳим, одамларнинг унга бўлган ишончи ортди. Раҳмат Бойзоқов 1982 йилда «Чўраш» ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси бўлганда унинг маъсулияти янада кўчайди. Ҳар бир кишининг

юрагига кириб бориш, муаммоларни ечиш, эртанги кун руҳи билан яшаш раҳбардан катта куч, билим ва тажриба талаб қилар эди. Бунга у доимо тайёр бўлди. Ўзидан олдин ўтган раҳбарлар ҳамда кўпни кўрган, бой тажрибага эга оқсоқоллар билан бамаслаҳат иш кўрди. **66** Дала-дашларда, Қоратоғ этакларида бўш ётган ерларни ўзлаштириб 100 гектарга кун боғ-роғ яратди. Қақраб ётган ерларга ариқ қазиб оби-ҳаёт олиб келди, равон йўللар қурди. Қишлоқларни обод қилди. **99** Раҳмат Бойзоқов кейинчалик «Кўштепа» фермер ҳўжалиги раҳбари, Пайариқ туман қиш-

лоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Отакул Умаров номли ширкат ҳўжалиги раиси, нафақага чиққач эса вилоят ҳокимлигининг жамоатчилик асосида қишлоқ ҳўжалик масалалари бўйича гуруҳ раҳбари бўлиб ишлаган пайтларида ҳам тадбир билан иш тутди. Раҳмат Бойзоқовнинг хизматлари беиз кетмади. Унга 1991 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалиги ходими» унвони берилганди. Ҳамиша халқ манфаати йўлида сидқидилдан хизмат қилиб эл олқишига сазовор бўлган Р. Бойзоқов оилада меҳрибон ота сифатида аёли билан саккиз ўғил ва бир қизни муносиб тарбиялади. Улар бугунги кунда халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Агар ҳаёт бўлганида бугун 79 ёшни қарши оладиган тажрибали раҳбар, садоқатли дўст Раҳмат Бойзоқовнинг илми-амали кўпчилик учун ибрат мактабидир. **Унар МИРЗАЕВ, Пайариқ тумани.**

РЕКЛАМА, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта - сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: (0366) 233-91-56

САЙЁР ҚАБУЛЛАР ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш мақсадида 2020 йилда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Самарқанд минтақавий филиали ва Амир Темур филиаллари раҳбарияти расмий иш кунлари соат 9:00 дан 11:00 гача жисмоний ва юридик шахслар вакилларини қабул қилади. Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Самарқанд шаҳри Бобур Мирзо кўчаси, 3-А уй ва Буюк Ипак йўли кўчаси, 13-уй. Мурожаат учун телефонлар: 66-240-20-87, 66-221-05-29. "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Самарқанд минтақавий филиали ва Амир Темур филиаллари раҳбарияти томонидан 2020 йил февраль - март ойларида Жомбой туманида ўтказиладиган

САЙЁР ҚАБУЛЛАР ЖАДВАЛИ

Table with 4 columns: T/р, Масъул шахс, Манзил, Сана ва вақти. It lists 8 items for the 'SAYOR' auctions, including names like J. Murosoev and R. Abdullaev, and locations like Samarqand regional office and Amir Temur branch.

БАНКИМИЗ ЎЗ МИЖОЗЛАРИГА ҚУЙДАГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютада: "Талаб қилиб олгунча" омонати. Омонат фоизсиз бўлиб, маблағлар муддатсиз, чегараланмаган миқдорда қабул қилинади. "Болалар" мақсадли омонати. Омонатга маблағлар 10 йил муддатга, йиллик 14 фоиз устама билан чегараланмаган миқдорда қабул қилинади, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан кейин тўлаб бериллади. "Коммунал тўловлар учун" омонати. Омонатга маблағлар 1 йил муддатга, йиллик 16 фоиз устама билан, ҳисобланган фоизлар омонатнинг коммунал тўловларига етарлича миқдорда қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда омонатнинг иштирокисиз унинг коммунал тўловларига ўтказилади. "Ипотека-1" омонати. Омонатга маблағлар 1 йил муддатга, йиллик 1 фоиз устама билан чегараланмаган миқдорда қабул қилинади, саклаш муддати оралиғида қўшимча маблағ қабул қилинади. "Кафолат-2" омонати. Омонатга маблағлар йиллик 10 фоиз устама билан 4 йил муддатга қабул қилинади. Омонатга маблағлар нақд пулда ёки навжуд омонат ҳисобварақаларни қайта расмийлаштириш, нақд пулсиз пластик карталар орқали ҳамда масофадан "UzPSB Mobile" мобил дастури ёрдамида онлайн тарзида қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда тўланади. "Муддатни танланг" омонати. Омонатга маблағлар йиллик 16 фоиз - 3 ойга, 18 фоиз - 9 ойга, 19 фоиз - 12 ойга, 20 фоиз - 24 ойга, 21 фоиз - 36 ойга устама билан қабул қилинади. Омонатнинг минимал миқдори 1 000 000 сўм, маблағлар "UzPSB Mobile" мобил дастури ёрдамида онлайн тарзида қабул қилинади. Фоизлар ҳар ойда тўланади. "Файз" омонати. Омонатга маблағлар дастлабки 12 ой учун - йиллик 20 фоиз, охириги 2 ой учун - йиллик 10 фоиз устама билан қабул қилинади. Омонат фоизлари ҳар куни ҳисобланади ва тўлиқ ой сакланган давр учун тўланади. Омонатнинг минимал миқ-

БИЗДА ҚУЙДАГИ КРЕДИТЛАР МАВЖУД:

Истеъмол товарлар сотиб олиш, ишлар ва хизматлар учун (автомобиль сотиб олишдан ташқари): - базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробаригача, 12 ой муддатга. Йиллик ставкаси 24 фоиз билан бериллади. Бунда кредит суммасининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдорда бошланғич бадал тўлаш талаб этилади. - базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 баробаригача, 12 ой муддатга йиллик 28 фоиз, 24 ой муддатга йиллик 30 фоиз, 36 ой муддатга йиллик 32 фоиз ставкаси билан бериллади. Кредит бошланғич бадалсиз, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробаридан ошган тақдирда ликвидли мол-мулкни гаровга қўйиш талаб этилади. Автомобиль сотиб олиш учун: - базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 500 баробаригача, 12 ой муддатга йиллик 28 фоиз, 24 ой муддатга йиллик 30 фоиз, 36 ой муддатга йиллик 31,9 фоиз ставкаси билан бериллади. Бунда автомобиль қийматининг кўпи билан 75 фоизгача кредит ажратилади.

ОВЕРДРАФТ ВА МИКРОҚАРЗЛАР:

(Қарз олувчининг иш ҳақи ҳисоб-китоби учун эмиссия қилинган банк пластик картасига ўтказилади) "Овердрафт" кредити. 12 ой муддатга, йиллик 28 фоиз ставкаси билан ўртача 3 ойлик иш ҳақи миқдоригача. "Универсал" қиска муддатли микроқарз. 12 ой муддатга, йиллик 30 фоиз ставкасида базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробари миқдоригача. "Узоқ муддатли" микроқарз. 24 ой муддатга, йиллик 36 фоиз ставкасида базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баробари миқдоригача. Хизматлар лицензияланган.

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛАДИ Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази Самарқанд филиали педагогика ва психология, ижтимоий фанлар ка-

федраларига кафедра мудири лавозинига танлов эълон қилади. Талабгорлар филиал директори номига ариза, паспорт нусخаси, шахсий варақаси, олий маълумоти ҳақидаги диплом нусхаси, қатнашувчиларда илмий даража, илмий унвон, шунингдек, илмий ишлар ва ихтиролар мавжуд бўлган тақдирда уларга тегишли дипло-

млар, аттестатлар нусхалари, малака оширганлиги ҳақидаги сертификат тақдим этишлари лозим. Аризалар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади. Манзил: Самарқанд шаҳри Чўпон ота кўчаси, 13-А уй. Телефонлар: 97-394-82-42, 91 520-86-40. E-mail: mamadaliyev\_m@umail.uz

«SAMARQAND MULK MARKAZI»

масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ИЖКҚД Самарқанд вилоят бошқармасининг 06.02.2020 йилдаги 13/172-19-сонли буюртманомасига асосан Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 8-А уйда сакланаётган қуйидаги автомобиллар такоран қўйилмоқда: 1) А/м «МАТИЗ». 2008 й. и/ч., д/б. 30 695 UAA, т/н. Б.б. - 17 520 208 сўм; 2) А/м «МАТИЗ». 2008 й. и/ч., д/б. 30 057 YAA, т/н. Б.б. - 20 650 325 сўм; 3) А/м «МАТИЗ». 2009 й. и/ч., д/б. 30 587 ZAA, т/с. Б.б. - 20 955 023 сўм; 4) А/м «МАТИЗ». 2009 й. и/ч., д/б. 30 541 ABA, т/н. Б.б. - 16 995 871 сўм; 5) А/м «МАТИЗ». 2009 й. и/ч., д/б. 30 856 EVA, т/н. Б.б. - 17 978 981 сўм; 6) А/м «НЕКСИЯ». 2007 й. и/ч., д/б. 30 542 TAA, т/н. Б.б. - 27 213 233 сўм; 7) А/м «НЕКСИЯ». 2008 й. и/ч., д/б. 30 256 ZAA, т/н. Б.б. - 23 318 481 сўм. Аукцион савдоси 2020 йил 28 февраль куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Ушбу автомобиллар 28 февраль куни сотилмаган тақдирда, уларнинг такоррий аукцион савдолари 6, 13, 27 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда соат 18:00 да тўхтатилади. Савдо голибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар автомашина бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Кўксарой филиалидаги 20208000804942465001, МФО: 00262, СТИР: 302129857 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Телефон: 66-233-80-13. Хизматлар лицензияланган.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти қуйидаги вакант лавозимларга танлов асосида

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КАФЕДРА МУДИРЛИГИГА: - ички юкумсиз касалликлар кафедраси; - ветеринария санитария экспертизаси ва гигиена кафедраси; - ҳайвонлар генетикаси, селекцияси, урчитиш ва кўпайтириш кафедраси; - ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси. КАФЕДРА КАТТА ЎҚИТУВИЛИГИГА: - ҳайвонлар физиологияси, биокимёси ва патологик физиологияси кафедраси. КАФЕДРА АССИСТЕНТЛИГИГА: - паразитология ва ветеринария ишини ташкил этиш кафедраси; - ҳайвонлар генетикаси, селекцияси, урчитиш ва кўпайтириш кафедраси; - ҳайвонлар физиологияси, биокимёси ва патологик физиологияси кафедраси. Хужжатлар (ариза, шахсий варақа, 2 дона фотосурат, таржимаи ҳол, олий маълумоти, илмий даражаси ва унвонлари ҳақидаги дипломлар нусхалари, охириги март малака оширганлиги тўғрисидаги хужжат, илмий ишлар рўйхати) газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб, бир ой давомида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улўбек кўчаси, 77-уй, ходимлар бўлими. Телефон: 66-234-33-20.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги «NEW ORIENTAL WORLD» хусусий корхонаси (СТИР: 305604984) ўз номини «SAMARKAND-EXPLORE» хусусий корхонасига ўзгартирмоқда. «SAMARKAND-EXPLORE» хусусий корхонаси «NEW ORIENTAL WORLD» хусусий корхонасининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади. Манзил: Самарқанд шаҳри Озод Шарқ кўчаси, 50-уй. Самарқанд шаҳридаги «ZAR NON KONDITER» масъулияти чекланган жамияти чекланган жамияти (СТИР: 302018615) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «ZAR NON KONDITER» оилавий корхонасига ўзгартирмоқда. «ZAR NON KONDITER» оилавий корхонаси «ZAR NON KONDITER» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади. Манзил: Самарқанд шаҳри Спорттивная кўчаси, 1-уй. Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида марҳум Абдуллаев Жамшид Аширбоевичга (2019 йил 6 сентябрда вафот этган) қарашли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Пайариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз. Манзил: Пайариқ тумани Пайариқ шаҳарчаси, Чўлпон кўчаси. БЕКОР ҚИЛИНАДИ Оқдарё туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактабидан 2006 йилда Раҳ-

Самарқанд давлат тиббиёт институти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси институт 2-қисм инженери Назика ИНКАЧИЛОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади. Телефон: +99897-394-00-57.

Вилоят халқ таълими бошқармаси жамоаси Самарқанд шаҳар халқ таълими бўлими мудири Нигора Саъдиновага онаси Додар ХОЛМИРЗАЕВанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МАЪРИФАТ



# Алишер Навоий

## СИЙМОСИ

### дунё

#### мамлакатларида



Шанхай, Хитой



Москва, Россия



Вашингтон, АҚШ



Токио, Япония



Боку, Озарбайжон



Ўш, Қирғизистон

**Тожикистонлик устозим, ғазалнавис шоир (Аллоҳ раҳмат қилсин) Ўлмас Жамол билан дастлаб 2010 йилда учрашган бўлсам-да, ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан бошлаб мактуб ёзишиб турар эдик.**

Бир кун тасодифан қўлимга "Совет Тожикистони" (ҳозирги "Халқ овози") газетаси тушиб қолди. Шунда менда газетата шеърларимни юбориш фикри пайдо бўлди. Бир неча шеърим машқларимни почта орқали Душанбеге жўнатдим. Кўп ўтмай, номимга Тожикистондан катта конверт келди. Ичида шеърларим чоп этилган газета ҳамда таниқли шоир Ўлмас Жамол имзоси билан хат бор экан. Мактубда Ўлмас ака ижодим ҳақида илиқ фикрлар билдириб, газета билан ҳамкорликка чорлаган эдилар. Шундан сўнг, шеърларим тез-тез бериладиган, ўзим ҳам "Совет Тожикистони"га обуна бўлиб, газетани мунтазам оладиган бўлдим. Бу орада СССР парчаланиб, Тожикистонда фуқаролар уруши бошланиб кетди. Алоқаларимиз узилиб, газета ҳам келмай қўйди.

Ўлмас ака асли ургутлик бўлгани туфайли ҳаётининг кейинги йилларида биз томонларга тез-тез келиб турдилар. Ана шундай кунларда биз, маҳаллий ижодкорлар устоз Ўлмас ака билан мириқиб суҳбат қураб эдик. У киши бадий маҳоратга қандай эришганлари ҳақида гапириб, бизларни кўпроқ тил билишга ундар эдилар. Ўзлари Тожикистонга кўчиб борганларидан сўнг форсий тилни ўрганишга қандай қатъий киришганлари ва бу кейинги ижодлари учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини қайта-қайта таъкидлаб чарчамасдилар. У кишининг қатъий ишончига кўра, хорижий тил-

# Сулаймон отанинг прототиби ургутлик

ларни билмасдан туриб, ҳеч бир қаламкаш ижодий камолотга эриша олмайди. Ҳақиқатан ҳам, устознинг бу фикрлари асло рад этиб бўлмайдиган, тасдиқ ҳам талаб қилмайдиган аксиомадир. Учрашувларимиздан бирода мен Ўлмас акадан, имконият бўлган пайтларда, нега ватанга қайтмаганлари сабабини сўрадим. Шунда устоз бундай имконият бир эмас, бир неча марта бўлганини, аммо қавм-қариндошлар хоки ётган тупроқдан кўнгил уза олмаганларини, қолаверса, Тожикистондаги ўзбеклар бунга ўзгача тушунишлари мумкинлигини ҳам айтди. Мен бу гаплардан шунинг англадимки, ҳар қандай инсон эл назарига тушгач, у ўзига тегишли бўлмай қолади. Бу борада шахсий ҳаёти ҳам қайсидир маънода ўзигагина тегишли бўлмай қолар экан. Ҳатто, бир гал машҳур адиб, ўша вақтларда Ўзбекистон ССР Маданият ва маърифат вазирлигида ишлаб турган Ўлмас Умарбеков у кишини Ўзбекистонга келишга таклиф қилган, иш ва уй-жой

фокор аёл кишига келади. У бир кишининг қизини оғир дарддан даволайди. Бундан ғоят хурсанд бўлган ҳалиги одам миннатдорчилик юзасидан, Абрамова ижарада турган хонадон – жамоа хўжалигининг ўша пайтдаги раиси Акрамхон Ходиевнига битта совлиқ қўйни етаклаб келади. Ўзи шундоқ ҳам ижарада яшаётган Абрамова ҳадяни қабул қила олмаслигини айтади. Ёши улуг киши жуда тикилинч қилавергач, дўхтур опанинг: "Хўп, майли, қўй ҳозирча ўзингизникида тура турсин. Бирор бошпанамиз аниқ бўлгач, келтириб берарсиз", дейишдан бошқа иложи қолмайди. Бу орада бир неча йиллар ўтиб кетади. Юқориқ лавозимга тайинланган Абрамова қишлоқдан кўчиб кетганлигини эшитган ҳалиги одам ҳали-ҳануз ижарада истиқомат қилиб турган

шифокорга омонатни топширмакчи бўлиб олиб келади. Дўхтур опа дарвозадан чиқиб қараса, кўчада бир эмас, бир тўда қўй турибди. Абрамова ҳайрон бўлиб бунинг сабабини сўрайди. Шунда мўйсафид опага, ўша битта қўй вақт ўтиши билан шунча бўлганини ва бу қўйларнинг ҳаммаси унга тегишли эканини айтади. Ушбу воқеа Ургутда дув-дув гап бўлади ва Ўлмас Жамолнинг ҳам эътиборига тушади. Ўлмас ака бундан таъсирланиб, ҳикоянамо бир нарса ёзадилар-да, марказий газеталардан бирода чоп эттиради. Орадан анча муддат ўтгач, устоз Тошкентда бўлган чоғларида Ўлмас Умарбеков у кишига янги бир драматик асар ёзаётгани ва асар сюжетида устоз ёзган ҳикоядаги воқеадан фойдаланганлигини айтиб, бунга муаллифдан ижозат сўрайди. Натияжада, Ўлмас Жамол қаламига мансуб воқеани ҳикоя асосида адиб Ўлмас Умарбековнинг "Қиёмат қарз" номли машҳур драмаси дунёга келади. Асар бош қаҳрамони Сулаймон отанинг прототиби – ўша диёнатли отахон билан ҳамқишлоқ эканлигимиз билан биз, испанзаликлар чексиз фахрланамиз.

Худойберди КОМИЛОВ.

### Мулоҳаза

#### учун мавзу

Фармон ТОШЕВ.

# Мурувватга муносибсизми?

## ёки кўрмаганнинг кўргани қурсин...

**Ҳаким ака оддий ўқитувчи. Йиллар давомида ёзги таътилда ўғиллари билан ғишт қўйиб, иморат қуриб рўзғор тебратди, ҳатто тўй қилди. Ўн беш йилча аввал кадастр хизматида ишловчи қайниси ёрдамида туман марказидан тadbirkorлик қиламан деб ер олди.**

Пул топиш ҳам осон эмас экан. 4-5 йил ўтиб кетди, лекин ишни бошлаш олмади. Бу орада ёнидан у қатори жой олганлар дўкон ёки цех қуриб, даромад қила бошлашди.

Мактабдан бутунлай кетай деса, Президент фармонига кўра ўқитувчилар бошқа ортқча ташвишлардан халос этилди, ойлик маоши ошди. Бу ёқдан эса ҳокимият ва солиқ идораси «Тadbirkorликни бошланг, бўлмаса ерни олиб қўямиз», деб пўписа қилади. Асаби дош бермай, ҳали у ёнидаги, ҳали бу ёнидаги тadbirkor устидан, ҳатто ўрганишга келганлар устидан ҳам ёза бошлади.

Президент порталига бир неча бор шикоят юборди: нима эмиш, қўшни тadbirkor бунинг қурилишига халақит берармиш...

Эҳ-ҳе, шикоят ҳам 100 га яқин бўлса керак. Қанча идора, қанча одам сарсон. Бу одам эса тadbirkorликни бошлагани йўқ.

Гулнора исми аёл эса икки нафар ўқувчи фарзанди билан бир йилдан бери ҳокимиятдан уй сўрайди. У ҳеч қаерда ишламаган. Ота хорижа ишга кетгач, турмушга чиқмасдан иккита бола туққан, аниқроғи, икки оилани бузган. Боқувчисини йўқотган аёлларга мурувват кўрсатилаётганини пеш қилиб, уй, тагин бепул уй сўрайди. «Аввал иш берайлик, уйнинг бошлангич тўлови учун маблағ йўғинг», деган таклифни қабул қилмайди.

...Ўғил-қизлари, ака-укалари бўла туриб, уйини таъмирлаб беришни талаб қилаётганлар кўпайди. Уларнинг айримлари шу ўшигача на жамият, на оиласи учун арзигулик иш қилишмаган.

Энди ўзингиз хулоса қилинг, бундай «ночор»ларга ёрдам бериш ҳақиқатдан эҳтиёжманд кишилар, қолаверса, уларни билган одамлар нафсониятига тегмайди?

Тегади, албатта, теккандаям жуда ёмон тегади. Аммо ҳақиқий эҳтиёжманд киши ориятли, андишали бўлади. Бунинг устига замона зайли билан бефарқлик иллатини орттириб олди. «Менга нима», «Барибир катталар ўз билганини қилади» ва шунга ўхшаш фикрларни назарда тутяпман.

Йўқ, азизлар, энди бундай яшаб бўлмайди. Бефарқлик фақат ўзимизга зарар келтиради. Шундай экан, ҳар биримиз воқеаларга муносабат билдиришни, яхшини яхши, ёмонни ёмон дейишни ўрганайлик. Бир-биримизни давлат гамхўрлигига, Юртбоши мурувватига муносиб бўлишга ўргатайлик.

### Биласизми?

билан доимо алоқада бўлиши билан характерланади.

Кўнчиқар юрт аҳолисининг 90 фоизини япон халқи ташкил этади. Япония сейсмик фаол минтақа бўлишига қарамадан аҳолисининг темирдек метин иродаси туфайли бахтли ва фаровон ҳаёт кура олган. Улар ўта тежамкор ва эҳтиёткор ҳамда бошқаларнинг тажрибасидан унумли фойдалана олади. Ҳозирда Япония ўртача 90 фоиз маҳсулотни четдан олиб, дунёнинг 13 фоиз маҳсулотини ўзида ишлаб чиқармоқда.

Улугбек АБДИЕВ, СамДУ талабаси.

### Менда фикр бор

Президентимизнинг Олий Мажлиси Мурожаатномасини ўқиб, Юртбошимиз Конституциямиз қабул қилинганнинг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда бежиз Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозимлиги, умумтаълим мактаблари учун Бош қомусимизни ўргатадиган дарсликлар яратиш зарурлигини таъкидламаганлигини тушундим.

# Ҳуқуқ фанини ўқитишни 5-синфдан бошлаш керак

Чунки Мурожаатномада фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини тўла англаши, «Халоллик вакцинаси», коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга ошириш лозим бўлган ишлар замирида ҳуқуқий билимдон, ўз ҳуқуқини талаб қиладиган инсонлар сазй-ҳаракати ётади. Бу эзгу мақсадга эришиш учун мактабларда бугунги кунда мавжуд бўлган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанини ўқитишни эртароқ, масалан, 5-синфдан бошлаш ва дарс соатларини юқори синфларга ўтган сари ошириб бориш зарур. Аммо ҳозирда умумий ўрта таълим мактабларида «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани 8-синфдан бошлаб, ҳафталик умумий 2 соат ҳажда ўтилади. Бу биринчидан, ҳуқуқий таълимнинг кечикишига сабаб бўлса, иккинчидан, ажратилган ўқув соатининг камлиги ўқувчиларнинг давлат ва ҳуқуқ асослари тўғрисида мухтасар билим эгаллашни мурракбаштиради.

Дилноза РАҲИМОВА, Самарқанд юридик коллежи ўқитувчиси.

# Дунё халқларининг ўзига хос хусусиятлари бор

Давлатнинг ривожланишида маҳаллий халқнинг этник жиҳатдан келиб чиқиши, миллатга хос хусусиятлари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Жумладан, Буюк Британия аҳолисининг 80 фоизи инглизлар бўлиб, улар қатъий тартиб-интизомга одатланган. Қонулар ишлаб чиқиш ва уларга амал қилишда дунёда биринчи ўринда туради. Ҳатто, Канаданинг ҳуқуқий тизими ҳам инглиз умумий қонунарига асосланади.

Франциянинг 94 фоиз аҳолисини французлар ташкил этади. Французлар ҳа-

ётида ҳашамдорлик белгилари устунлик қилади. Бу устунлик уларнинг кийимлари, тақинчоқлари ва биноларида яққол кўзга ташланади.

Германия аҳолисининг 93 фоизини немислар ташкил этиб, улар уларнинг каттиққўлиги, кескинлиги ва жанговарлиги билан ажралиб туради. Немислар яхдудилар ва японлардан кейин дунёдаги учинчи ақли халқ ҳисобланади.

Италиянлар янги-янги нарсаларни ўйлаб топишга уста. Улар яратган нарсалар гаройиблиги билан ажралиб туради. Улардаги самимийлик дунёдаги энг қувноқ халқ деб эътироф этилишларининг асосий омилдир.

АҚШда истиқомат қилувчи оқ танли америкаликлар мамлакат аҳолисининг 83 фоизини ташкил этади. Улар ўзларини эркин тутуши, ҳамма жойда фаоллик кўрсатиши, бошқаларга эътибор бермаслиги ва аудитория

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН БИРОРТА ХАТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Zarafshon  
САМАРҚАНДСКИЙ  
ЕСТНИК

© МУАССИСЛАР:  
халқ  
депутатлари  
Самарқанд  
вилоят Кенгаши  
ва вилоят  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр 100. Индекс 438.  
14 397 нусхада чоп этилди. Буюртма 99  
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиққди.



КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53.  
БЎЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61.  
РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56.  
МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.  
Газета "Зарафшон" таҳририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
"Ношир люкс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, Спитамен кўчаси, 270-уй.  
Босишга топшириш вақти: соат 18:30 да. Босишга топширилди: соат 19:00 да.

Навбатчи муҳаррир:  
А.ҲАЙДАРОВ.  
Навбатчи:  
Н.ЖОНТЎРАЕВА.  
Саҳифаловчи:  
Б.АБДУЛЛАЕВ.  
Сотузда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X  
9 772010 667009